

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА
РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Хўжамбердиева Сайёра Эшмуродовна

Термиз давлат университети

Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар) таълим йўналиши

2-босқич магистри

Аннотация: Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахборот махсулотлари ва хизматлари тармоғини динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида АКТ соҳасида меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга эришилди.

Мақолада бугунги кунда замон талаби ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида рақамлаштириш жараёнларининг иқтисодиётдаги муҳим аҳамиятлари ва унинг инсоният ҳамда давлат ҳаёт тарзига қанчалик самарали экани ва бу мамлакат турмуш даражасини дунё ривожланган мамлакатларига тенглаштириш ҳақида боради.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик соҳаси, саноат корхоналари, рақамлаштириш жараёнлар, кичик бизнес.

Аннотация: В годы независимости в Узбекистане в целях обеспечения динамичного развития сети информационных продуктов и услуг было достигнуто создание нормативно-правовой базы в сфере ИКТ.

В статье говорится о важном значении процессов цифровизации в экономике малого бизнеса и частного предпринимательства, что сегодня считается насущной потребностью, и насколько она эффективна для человечества и образа жизни государства, а также для приведения уровня жизни эта страна наравне с развитыми странами мира.

Ключевые слова: предпринимательство, промышленные предприятия, процессы цифровизации, малый бизнес.

Annotation: In the years of independence in Uzbekistan, in order to ensure the dynamic development of the network of information products and services, the creation of a regulatory and legal framework in the field of ICT was achieved.

The article talks about the importance of digitization processes in the economy of small business and private entrepreneurship, which is the need of the hour today, and how effective it is for humanity and the state's way of life, and to bring the standard of living of this country equal to the developed countries of the world.

Keywords: entrepreneurship, industrial enterprises, digitization processes, small business.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахборот маҳсулотлари ва хизматлари тармоғини динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида АКТ соҳасида меъёрий-ҳуқуқий асосни яратишга эришилди. Ушбу мақсадларни амалга оширишнинг натижаси бўлиб, 13 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 тадан ортиқ қарорлари, шунингдек 600 тадан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон Фармонлари ва 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-



1989-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини 2013-2020 йилларда ривожлантириш дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳисобланади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш самараси замонавий ахборот – коммуникация технологияларининг ривожланганлик даражаси, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишда янги механизмларини жорий этилишида, электрон давлат хизматларини мукамал яратилганлигида намоён бўлади.

Рақамли иқтисодиётга таъсир этувчи асосий ички омиллар таркибига янги билимларни ўзлаштиришда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, илмий тадқиқотларнинг олиб борилиш сифати ва мукамал рағбатлантириш механизмлари, таълимнинг ифатини оширишда амалиёт билан интеграциясини ривожлантириш, ахборот – коммуникация технологиялари ва

ундаги ахборотларни химоялаш механизмлари ҳамда антивирус дастурлари мавжудлиги, инновацион технологиялар ва унда ишлай оладиган салоҳиятли кадрларни киритишимиз мумкин.

Энди барча маълумотлар телевизор, газета ва журналларни алмаштирган миллионлаб веб-сайтларда мавжуд. Электрон почта, ижтимоий тармоқлар ва блоглардан кўпгина водамлар билан алоқа қилиш ва муҳим маълумотларни бўлишиш учун фойдаланамиз.

Ҳозирда даврнинг энг муҳим ўзгариши содир бўлмоқда – офлайн режимдан онлайн режимга трансформация ёки рақамлаштириш жараёни.


Оддий сўзлар билан таъкидлаганда, рақамлаштириш жараёни катта ҳажмдаги маълумотларни (матн, товуш ва видео) бирлик ва нолларга, яъни компьютер тушунадиган тилга таржима қилишни ўз ичига олади.

Ҳозирги замонда “диджитализация” тушунчаси деярли ҳар бир соҳага чуқур кириб келишга улгурди, булар сирасига:

- давлат хизматларини кўрсатиш;
- бизнес (тадбиркорлик);
- таълим;
- касбга йўналтирилган мутахассисликлар;
- бозор ва савдо;
- банк;
- жамият;
- ишлаб чиқариш;
- молия бозори;
- иқтисодиёт ва бошқа стратегик йўналишлар киради.

Масалан, касбга йўналтирилган мутахассисликлар, замонавий терминда “HR” тизимида “рақамлаштириш жараёни анъанавий касб эгаларига қарши” деган гипотеза ҳам мавжуд. Бу ҳолат кадрлар, яъни касбга йўналтирилган мутахассисликларга тегишли. Ушбу соҳани рақамлилаштириш амалиётчиларни ёллаш ва ўқитиш юкини камайтиради.

“Рақамли технологиялар: иқтисодиёт ва таълим тизимини ривожлантириш тенденциялари”
 мислидоридаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами



Замонавий АКТ воситалари ёрдамида мутахассислар номзодлар билан мобиль иловалар, ижтимоий тармоқлар ва булутли технологиялар (cloud technologies) орқали алоқа қилишлари мумкин. Масалан, суҳбатдан олдин номзод қоғозда ҳамма учун таниш бўлган анкетани тўлдирмайди, балки электрон шаклда уни рўйхатдан ўтказди. Шундай қилиб, иш берувчи тез муддат ичида маълумотларни олади ва ишлов беради.

Мазкур ҳолат, нафақат давлат бошқаруви кадрларини саралаш балки ҳар қандай соҳада ҳам керакли мутахассисларни тез, қулай ва шаффоф равишда танлаб олиш учун кенг имкониятлар яратади. Бироқ, замонавий АКТ воситаларидан фаол фойдаланмайдиган мутахассислар учун ушбу талаблар бироз қийинчилик туғдиради.


Иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий қилиш, “электрон ҳукумат” тизимини татбиқ этиш борасида илғор мамлакатлар сафига қўшилишга қаратилган муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бизнес субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланишида қулайликлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар тадбиркорларга вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларнинг очиқлигини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш жараёнларини мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Қарор талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Электрон ҳукумат» маркази, Адлия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ, статистика қўмиталари, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ва БМТ Тараққиёт дастури кўмагида бизнесни рўйхатдан ўтказишнинг янги тизими ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб fo.birdarcha.uz веб-манзилида ишга туширилган тизим орқали ҳам юридик шахс мақомига эга субъектлар, ҳам юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ўз бизнесларини реал вақт режимда давлат рўйхатидан ўтказиши мумкин. Автоматлаштирилган тизим таъсис ҳужжатларини олиш, рўйхатдан ўтиш учун давлат божини тўлаш ва гувоҳнома олиш имконини беради.


Қайд этиш керакки, тизим фойдаланувчиларни “OneID” орқали



идентификациялаб, шахсий маълумотлар (паспорт, СТИР, электрон рақамли имзо ва бошқалар) текширилади. Тасдиқ олингандан сўнг бизнесни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлади. Янги тизим бизнесни исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда рўйхатдан ўтказиш имконини

беради.

Тизимдаги яратилган қулайликлардан бири – тўлов учун имтиёзлардир. Агар тадбиркор ўз бизнесини мустақил равишда рўйхатдан ўтказаетган бўлса, белгиланган тўловнинг 50 фоизини амалга оширади. Тўловларни банклар орқали амалга ошириш, шунингдек, «UPay» тўлов тизими воситасида онлайн тўлаш ҳам мумкин.



Муҳими, тадбиркор босқичма-босқич жараён ёрдамида ҳукумат маълумотлар базасида онлайн реестр орқали рўйхатдан ўтади. Гувоҳномаларнинг QR-кодлар билан тақдим этилиши тадбиркорлик субъектининг ҳақиқийлиги, мақоми ва барча маълумотларини текшириш имконини беради. Барча амалдаги тадбиркорлик субъектлари янги намунадаги гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга.



Рўйхатдан ўтишдаги ҳамма босқичлар – даъвогарга оид маълумотни олиш, ташкилий-ҳуқуқий шаклни, фирма номини танлашдан то гувоҳнома олишгача бўлган жараён автоматлаштирилган. Фаолият турини танлашда Давлат статистика қўмитасининг янги классификатори қўлланилади.

Юридик шахсни ташкил этишда бирдан ортиқ муассис иштирок этган тақдирда, ҳар бир муассис рўйхатдан ўтказилаётган тадбиркорлик субъектининг муассислар таркибига киришга розилигини тасдиқлайди. Бунда ҳар бир муассисга тасдиқлаш учун электрон хабар юборилади ва муассис унга розилик беради.

Тизимнинг «Электрон ҳукумат» тизимига тўлиқ интеграция қилингани турли ташкилотлар ўртасида маълумотлар алмашиш имконини бермоқда. Масалан, мустақил равишда банк ҳисоб-рақами очилганида барча зарур маълумотлар автоматик тарзда Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасига давлат рўйхатига қўйиш учун юборилади.

Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтаётган тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бораётгани янги тизим ишбилармонлар томонидан ижобий кутиб олинганидан далолат бермоқда. Чунончи, 1 апрелдан буён 1 минг 200 га яқин тадбиркор давлат рўйхатидан ўтиш учун ана шу интерактив хизматдан фойдаланган. <https://gov.uz/uz/news/view/10306>

Бошқа сўзлар билан таъкидлаганда, кадрларни ишга қабул қилиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда рақамлаштириш жараёни инновацион автоматлаштирилган тизимлар асосида йўлга қўйилади, бунда: “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil 2/2020 (№ 00046) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> 179

- гуруҳда ишлаш методини ўрнига видео-тақдимотлар;
- суҳбат жараёнининг ўрнига, психологик ва мутахассисликка йўналтирилган квестлар ва кейслар;
- махсус порталлар орқали ўқитиш каби тизимлар жорий этилади.

Рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши % да (2019 йил ҳолатига) Юқорида келтирилган расмда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 2,2% ни ташкил этаётганлиги келтирилган. Ўртача мақбул кўрсаткич 7-8% ҳисобланади. Буюк Британияда бу 12,4%, Жанубий Кореяда - 8%, Хитойда - 6,9%, Ҳиндистонда - 5,6%, Россияда - 2, 8%, Қозоғистонда - 3,9% ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ 2025 йилга келиб ЯИМда ахборот коммуникация технологиялари улушини 5,0% га, 2030 йилга келиб эса 10% гача ошириш режалаштирилмоқда. 2019 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси платформасига кенг оммага тақдим этилган “Ўзбекистон Республикасини 2030

йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” ҳам замонавий АКТ воситалари ёрдамида мамлакатни бугунги глобализация жараёнида замон билан ҳамнафас равишда ривожланишига доир қатор лойиҳа ва вазифаларни кўзда тутди.

Санаб ўтилган ислохотларни амалга оширишда “Рақамли иқтисодиётга” ўтиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб турар экан, ушбу йўналишнинг ўзига ҳос хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётни 2та асосий тамойиллар асосида тасаввур этиш мумкин, яъни – самарадорликни ошириш ва “рақамли корхоналарни” яратиш.

Самарадорликни ошириш. Бизнесда ёхуд тадбиркорликда маълумотларни рақамлаштириш харажатларни камайтиради, фойдани оширади ва иқтисодий ривожланиш суръатларини кўтарилига олиб келади.

Компаниялар фаолияти рақамлаштирилгандан сўнг улар ўз технологияларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида илгари суришга қодир эканликларини англайдилар. Бу, ўз навбатида, камроқ ҳаракат талаб қилади, чунки “диджитализация” тўсиқларни енгиб ўтишга ва иқтисодиётнинг янги сегментига киришга ёрдам беради. Маълумотларнинг рақамлаштирилиши билан бозор иқтисодиёти ҳам сезиларли ўзгаришларга учрайди. Ҳозирги кунда кўплаб кичик компаниялар энг кам харажат билан етакчилар қаторига кириш имконига эга.

Бундай ташкилотлар булутли технологиялар ёрдамида ишлаб чиқилган ва масофавий фаолият олиб боровчи ишчи гуруҳлардан ташкил топган. Бугунда тадбиркорлар “рақамли бизнес”да фаолият юрита олмас экан бундай иқтисодиётда самарали натижаларга эришиш жуда қийин бўлади.

Шунинг учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда етакчи компаниялар тобора булутли хизматларга мурожаат қилмоқдалар. Булутли хизматларни кўрсатувчи компаниялар жойлашган мамлакатларнинг иқтисодиёти ҳам ривожланиб бормоқда.

Адабиётлар;

1. Prezidenti, O. R. (2020 yil 5 oktabr). "Raqqamli O'zbekiston-2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida . *PF-6079-son Farmoni*.

2 .O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014 yil 12 fevraldagi PQ-2126-son birinchi bu эмаску қайсидир нутки эди президентнинг

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон,

4.Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси расмий веб сайти (<https://stat.uz/>)

5. <https://gov.uz/uz/news/view/10306>